# Илмий-амалий анжуман

Республикамизда "Соғлом авлод", "Она ва бола" дастурлари доирасида болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, улар ўртасида касалланиш ва ўлим кўрсаткичларини камайтириш юзасидан кенг қамровли тадбирлар амалга оширилмоқда. Шундай тиббий илмий-амалий анжуман куни кеча Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳамкорлигида "Болалар гастроэнтрологияси: бугуни ва келажаги" мавзусида бўлиб ўтди.

Тадбирни ўтказишдан мақсад ушбу хасталикларнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганиш, тарқалиш миқёси ва даволаш усулларини муҳокама қилишдан иборат.

Анжуманда ўзбекистонлик, шунингдек, АҚШ ва Швейцариядан келган йирик олимларнинг педиатрия соҳасидаги маърузалари тингланди.

**Камола МИРЗААҲМЕТОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Қонун лойиҳаси — муҳокамада*

# ХУСУСИЙ КОРХОНАЛАР

## мустақил ва эркин фаолият юргизиши керак

*«Хусусий корхона тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси иқтисодиётимизнинг келажагига жиддий таъсир этувчи ҳужжатдир. Уни миллий иқтисодиётимизнинг қисматини белгиловчи қонунлар жумласига бемалол киритиш мумкин. Негаки, бозор иқтисодиётининг энг афзал тизим эканлигини бугун бутун инсоният тажрибаси тасдиқлаб турибди. Бу афзалликнинг негизида эса хусусий мулк, хусусий манфаат, хусусий масъулият ва хусусий ташаббус ётади. Буларнинг ҳаммаси хусусий корхоналарда намоён бўлади. Қолаверса, буюк келажагимиз ҳам хусусий хўжалик фаолиятининг нақадар устувор бўлиши билан чамбарчас боғлиқдир.*

Юртбошимиз белгилаб берган устувор вазифалардан бири яқин орада хусусий секторни иқтисодиётимизнинг карвонбошисига айлантиришдан иборат. Президентимиз таъкидлаганидек: **"... биз ўз олдимизга қўйган мақсадни — хусусий мулкчилик етакчи ўринда турадиган кўп укладли иқтисодиётни барпо этиш мақсадини амалга оширишимиз керак".** Хусусий мулкнинг устуворлиги хусусий корхоналарнинг етакчи бўлишидан ўзга нарса эмас. Қонун лойиҳаси мана шундай стратегик вазифани ҳал этишга қаратилган ва ўз вақтида эълон қилинган юридик ҳужжатдир. Лойиҳани ўрганиш шуни кўрсатадики, бу иқтисодий қонунчиликда тўпланган тажрибага таянади ва уни мамлакатимиз шароитига сингдиради. Лойиҳада хусусий корхонанинг моҳияти, унинг амал қилиш тамойиллари, бошқариш шакли, ташкил этиш тартиблари ва энг муҳими, эркин фаолият юритишнинг қандай кафолатланиши белгилаб берилган.

Лойиҳани принципиал жиҳатдан маъқуллаган ҳолда, унга, назаримизда, аниқлик ва тўлдиришлар киритиш зарур, деб ўйлаймиз. Аввало, лойиҳанинг биринчи бўлими 3-моддасида хусусий корхонага берилган таърифга аниқлик киритиш лозим. Корхонанинг хусусий бўлиши ёки бўлмаслигини унинг мулкий мақоми, яъни унинг мол-мулки, яратган маҳсулот ва хизматларининг, бинобарин, топган даромадининг кимга тегишли бўлиши белгилаб беради. Бизнингча, хусусийликнинг бундан бошқа мезони бўлмаса керак. Шуни назарда тутиб, ***"Хусусий корхона — бу индивидуал хусусий мулкка асосланган ва ўз соҳиби томонидан якка тартибда бошқарилувчи хўжалик юритувчи субъектдир"*** деган таърифни лойиҳага киритишни таклиф этамиз.

3-моддада хусусий корхонани тадбиркорлик субъекти эмас, балки **тадбиркорлик фаолиятининг ташкилий — ҳуқуқий шакли,** деб баҳолаш ўринлидир.

Лойиҳанинг кўп жойларида ***"хусусий корхона мулкдори"*** деган ибора ишлатилади. Бунинг ўрнига ***"корхона эгаси"*** деган ибора қўлланилиши керак. Бу шунчаки филологик машқ эмас, бунинг остида жиддий иқтисодий муаммо мужассам. Хусусий корхона ўзга мулкини ижарага олишга асосланиши мумкин, бунга лизингнинг кенг тарқалиши гувоҳлик беради. Бас, шундай экан, корхона соҳиби ўзга мулкдорнинг мулкини вақтинча ишлатувчига — унинг эгасига айланади. Мулк эса ўзганики бўлиб қолаверади.

I бўлимнинг 6-моддасида корхона муҳри ҳақида гап кетганда, **"Корхонанинг номи ва эгаси ўзгарган тақдирда унинг муҳри ҳам ўзгартирилиши шарт"** деб кўрсатилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

II бўлимнинг 8-моддасида **"корхонани тузувчи унга тегишли мол-мулк беради"** деб қайд этилган, бунинг ўрнига "**мол-мулк ажратади"** деб ёзилиши керак. Корхона хусусий бўлса, унинг эгаси ўзига-ўзи мулк бериши мумкин эмас.

10-моддада **"Хусусий корхонанинг таъсис ҳужжати унинг уставидир"** деб ёзилган. Бу ноаниқликка йўл беради. **Биринчидан,** устав ягона таъсис ҳужжати эмас, **иккинчидан**, устав корхонанинг ишлаш қонун-қоидаларини белгиловчи акт бўлиши керак. Шу сабабли, биз лойиҳага қуйидагиларни киритишни таклиф этамиз: **"Корхона ишида ўз уставига амал қилади. Устав корхонанинг ички фаолиятини тартибловчи юридик ҳужжатдир".**

II бўлимдаги 12-моддада устав фондини "бўлинмасдир", деб баҳоланади. Бўлинмас фонд жамоа корхоналарида бўлади. Хусусий корхонада **бўлинадиган** ёки **бўлинмайдиган** фондлар бўлиши мумкин эмас, чунки корхонанинг эгаси **танҳодир,** у ўз мулкини бировлар билан бўлишмайди.

Қонун лойиҳасида хусусий корхонада меҳнатга ҳақ тўлашнинг қуйи чегараси минимал иш ҳақидан кам бўлиши мумкин эмаслиги тўғри белгиланган. Бу қоида корхонада **"иш ҳақи чегараланмаслиги ва бу ишлаб топилган даромадга боғлиқ бўлиши лозим"** деган кўрсатма билан тўлдирилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Лойиҳанинг V бўлимида корхона учун эркинлик кафолатларини қонун йўли билан таъминлаш кўзда тутилган. Аммо кафолатлар тўла ёритилмаган.

Шу бўлимдаги 22-моддада **"Хусусий корхона ҳар қандай фаолият турларини амалга оширади",** деб кўрсатилган. Бунинг ўрнига **"хусусий корхона қонун ҳужжатларига биноан, рухсат этилган фаолият турлари билан шуғулланади"** деб ёзилса, аниқроқ бўлади. Негаки, бу билан маън этиладиган фаолиятларнинг олди олинади, яширин ёки хуфия иқтисодиётга йўл берилмайди. Бизнингча, 24-моддада **"Хусусий корхоналарнинг давлат олдидаги мажбурияти фақат давлатга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни беришдан иборат"** деб ёзиш керак, чунки корхона хусусий экан, давлат идоралари олдида унинг бошқа мажбурияти бўлиши мумкин ҳам эмас.

25-модда корхонани текшириш 3 йилда бир марта бўлиши мумкинлиги тўғри белгиланган. Бу, табиийки, корхона ишига ўринсиз аралашувга қонун йўли билан чек қўяди. Фақат бу моддани **"Корхонани муддатидан олдин текшириш фақат суд қарорига биноан бўлиши мумкинлиги"** каби жумлалар билан тўлдириш мақсадга мувофиқ.

Лойиҳанинг таҳрирбоп томонларидан яна бири, бизнингча, унда бошқа қонун ҳужжатларига кўп мурожаат этилишида ва уларни такрор-такрор эслатиб ўтилишидадир. Қонун тўлиқ ва аниқ бўлиши учун бошқа қонун ҳужжатларининг хусусий корхонага оид қоидалари, гарчи такрорлаш бўлса-да, шу лойиҳага киритилиши керак. Ана шунда қонун анча мукаммал бўлади, ундан фойдаланувчиларга қулайлик туғдирилади. Натижада фуқароларимиз бир неча ҳужжат ўрнига ягона қонунга мурожаат этадилар.

Шу ўринда мазкур лойиҳани тўлдириш ва кенгайтиришни маъқул, деб ҳисоблаймиз. Айниқса, лойиҳанинг V қисмини қайта кўриб, тўлдириб чиқиш зарур. Унда корхона эркинлиги кафолатларини аниқ ва муфассал кўрсатиш ўта муҳимдир. Негаки, бу иш амалга оширилса, корхона фаолиятига ташқаридан туриб маъмурий аралашувнинг олдини олиш имконияти янада кучаяди.

Зеро, иқтисодиётни эркинлаштириш ҳам шуни тақозо этади. Шу ўринда Президентимизнинг **"Давлатнинг иқтисодий соҳага, хўжалик юритувчи тузилмалар, биринчи галда, хусусий сектор фаолиятига аралашувини чеклаш лозим"** деган фикрларини яна бир бор эслатиб ўтиш керак. Корхонани бозор таъсиридан эмас, балки турли идораларининг унинг ишига ўринсиз аралашувидан ҳимоя қилиш бирламчи вазифа, десак, муболаға бўлмайди. Мазкур Қонун лойиҳаси корхонани мана шундай аралашувдан ҳимоя қилиб, унинг ҳуқуқларини кафолатлаши лозим. Шу муносабат билан лойиҳанинг V қисмини янада кенгайтиришни таклиф этамиз. Шу ерда корхонадаги мулкнинг дахлсизлиги, уни конфискация (мусодара) қилиш мустасно сифатида ва суд қарорига биноан қўлланилиши, корхонани маъмурий йўл билан мажбурлашга йўл берилмаслиги, алоҳида-алоҳида кўрсатилиши ҳамда корхона фаолият турини ўз ихтиёри билан танлашга, шериклик муносабатини ўрнатишга, ўз капиталини эркин кўчиришга, пул тўловларини эркин амалга оширишга ҳақли эканлигини, валюта билан чекловсиз муомала қила олишини аниқ белгилаб қўйиш керак. Бизнингча, мазкур Қонун лойиҳасининг бош мақсади қонун йўли билан хусусий корхонанинг мустақиллиги ва эркин фаолият юргиза олишини таъминлаш бўлиши даркор. Шунга эришилса, иқтисодий эркинлик кафолатланади, иқтисодиётимиз жадал ўсиб, халқимиз фаровон яшайди.

**Алишер ВАҲОБОВ,**
**иқтисод фанлари доктори, профессор.**

*Фармонни ўқиб*

# Оила бахти мужассам

Оилага ёрдам жамиятта, тараққиётга ёрдамдир. Юртимизда оила равнақи, хотиржамлиги йўлидаги саъй-ҳаракатларни кўриб замонамизга минг карра шукроналар айтгинг келаверади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Биринчи марта озодликдан маҳрум этишга судланган шахсларнинг жазо ўташ шароитларини либераллаштириш тўғрисида»ги Фармонини ойнаи жаҳон орқали эшитиб, матбуотдан ўқиб бу борада яна бир улуғ иш амалга оширилажағини дилдан ҳис этдик. Унинг замирида ҳам оила бахтини таъминлашдек улуғвор мақсад мужассам. Фармоннинг бажарилиши бараварида қанчадан-қанча ватандошларнинг хонадонларига қувончу-шодлик кириб бориши муқаррар. Унда инсонпарвар, адолатпарвар жамиятимизда халқимизнинг азалий қадриятлари ҳисобланмиш бағрикенглик, кечиримлилик хусусиятлари яна бир бора намойиш этилди.

Ёшим саксонни қоралаб қолди. Эллик беш йилдирки, ёшлар тарбияси билан шуғулланаман. Оиламизда 11 фарзанд ўсиб-улғайди. Ҳаммаси ҳаётда ўз ўрнини топишган. Оила шаънини муқаддас билишади. Менинг назаримда, дунёда оилавий бахтдан улуғроқ неъмат йўқ. Инсон борки, шу бахт учун курашиши табиий. Лекин, ҳаёт деб аталмиш тўлқинлар ичида яшаётганимизни унутмаслик керак. Гоҳида билиб-билмай хатоликларга йўл қўйилиши мумкин. Аслида ножўя ишга қўл урган ўша инсон ҳам ўз жигаримиз, маҳалладошимиз, қариндош-уруғимиз-ку! Агарки, маҳалла уни очиқ қалб билан бағрига олса, қайта тарбиялаш жараёнини ташкиллаштирса, ишончим комилки, яна бир оилага бахт қўнади. Дилда ғубор қолмайди. Чунки, биринчи марта озодликдан маҳрум этилганларнинг тузалиш ва қайта тарбияланиш жараёни оилада, маҳаллада тезлашиши ҳаммага аён.

Бир сўз билан айтганда, суд-ҳуқуқ ислоҳотлари ва жиноий қонунчиликни либераллаштиришнинг навбатдаги босқичи юртимизда инсонпарварлик, демократик жамият қуриш йўлидаги яна бир дадил қадамдир. Ундан кўзда тутилган мақсадга эришиш эса оилаларни мустаҳкамлашга, давлатимиз ривожига хизмат қилиши шубҳасиз.

**Сайдали МАВЛОНОВ,**
**Навоий шаҳри,**
**Б.Равшанов кўчаси,**
**пенсионер.**

# КОНСЕРВА МАҲСУЛОТЛАРИ

## жаҳон бозорини эгалламоқда

Ҳозир юртимизда олтин куз. Бу фаслда боғлар ва токзорларда мевалар, узумлар, далаларда сабзавотлар, полиз маҳсулотлари пишади. Қуёш нурида етилган, витаминларга бой ушбу ноз-неъматларни республикамизда қайта ишлаш қай аҳволда? Айни пишиқчилик мавсумида бу юмуш билан шуғулланаётган корхоналар қандай фаолият кўрсатмоқда? Биз мазкур масалани ўрганиш мақсадида "Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг" компанияси фаолияти билан танишдик. Мазкур жамоада мева, сабзавот ва бошқа неъматларни қайта ишлайдиган 22 корхона мавжуд. Улар бир йилда 300 миллион шартли банка тайёрлаш қувватига эга.

Бироқ илгари мазкур тизим олдида жиддий муаммолар турарди. Маҳсулотни қадоқлаш, унинг ташқи кўриниши — дизайнини яхшилаш, корхоналарни юқори сифатли хомашё билан таъминлаш, ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни жорий этиш шулар жумласидан эди. Шу боис мустақиллик даврида хориж билан тўғридан-тўғри ҳамкорлик йўлга қўйилди. Италия, Австрия, Германия, АҚШ, Англия давлатлари билан алоқалар ўрнатилди. Натижада еттита қўшма корхона ташкил қилинди. Масалан, Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз шаҳрида мевалардан турли хил шарбатлар тайёрлайдиган "Мевалар камалаги" Ўзбекистон-Буюк Британия қўшма корхонаси шулардан бири бўлиб, у ерда Швейцариядаги "Тетра-Пак" фирмасининг дастгоҳлари ўрнатилган. Ҳозир ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар кўпчиликка манзур. Унинг бир қисми хорижга экспорт қилинмоқда. Корхонада бир йилда 10 миллион дона қоғоз идишларда шарбат ишлаб чиқариш мумкин. Андижон вилоятидаги "МАСК" Ўзбекистон- Россия қўшма корхонасида эса асептик қопларда томат пастаси тайёрлаш йўлга қўйилди. Айни пайтда ушбу корхонада "Тянь-шань" табиий маъданли булоқ сувлари ҳам ишлаб чиқарилмоқда. Бу Италиядаги "FBR" фирмасининг дастгоҳлари самарасидир. Шунингдек, "Андижон дурдонаси" Ўзбекистон-Буюк Британия қўшма корхонасида Австриянинг жаҳонга машҳур "ПКЛ" фирмаси технологияси асосида мева ва сабзавотлардан ярим тайёр маҳсулотлар ва шарбатлар тайёрланмоқда, Самарқанд вилоятининг Челак қишлоғида ва Жиззах вилоятининг Ғаллаорол туманида Россиянинг "Балтимор" фирмаси билан ҳамкорликда очилган қўшма корхоналарда кетчуп, мева ва сабзавотлардан турли хил қиём, шарбат ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Уларнинг маҳсулотлари ҳозир МДҲ республикалари ва олис хорижда ҳам харидоргир ҳисобланади.

### Ислоҳот ва самара

Шу билан бирга консерва саноатида ҳалигача айрим муаммолар ўз ечимини топган эмас. Масалан, маҳсулотни қадоқлаш масаласи долзарблигича турибди. Корхоналарнинг кўпчилиги томат пастаси ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлиб, маҳсулот ҳозир жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган 200 килограммлик асептик қопларда қадоқланади. Бу уларни узоқ вақт сақлаш ва ташишда қулай. Илгари эса маҳсулот тунука идишларда харидорларга жўнатиларди. Лекин фақат бешта корхонада маҳсулот ана шундай тарзда қадоқланади. Шу боис ҳозир холдинг компанияси қолган корхоналарда шу усулга ўтиш устида иш олиб боряпти.

Турли ҳажмдаги шиша идишлар ва уларнинг қопқоғини етказиш ҳам тўла ҳал этилмаган. Сабаби — республикамизда тайёрланаётган бундай идиш ва қопқоқлар жаҳон андозалари талабларига жавоб бермайди. Ваҳоланки, соҳага йилига 140 миллион дона идиш ва қопқоқ зарур. Ҳозир бу муаммони ечишга киришилди. Яъни "Твист-Офф" русумидаги бураладиган қопқоқлар ва турли ҳажмдаги замонавий шиша идишлар ишлаб чиқарадиган корхоналар қурилиши бошланди.

Хабарингиз бор, Россия, Қозоғистон, Болтиқбўйи республикалари ва Германияда бизнинг қуруқ меваларимизни севиб истеъмол қилишади. Улар витаминларга бойлиги, мазалилиги билан ажралиб туради. Бугунги кунда республикамизда учта корхона қуруқ мева тайёрлаш билан шуғулланади. Ана шундай корхоналардан бири, яъни Тошкент вилоятидаги "Берад" фирмасининг ташкил этилганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Аммо унинг маҳсулотларига талаб ошиб бормоқда. Уларнинг асосий қисми хорижга экспорт қилинмоқда. Бу ерда Италиядаги жаҳонга машҳур "Сандвиг" фирмасининг қуритиш ускуналари ва Америкадаги "FMS" фирмасининг майизни қайта ишлаш линияси ўрнатилган.

Эътиборлиси, консерва саноати ва қуруқ меваларни тайёрлаш корхоналарига чет эл сармоясини олиб келиш ҳамда улардаги асбоб-ускуналарни хорижникига алмаштириш ишлари изчил давом эттирилмоқда. Хусусан, яқинда Шаҳрисабздаги корхона шарбат ишлаб чиқариш учун Германиянинг "KHS" фирмаси билан шартнома имзолади. "Қува консерва" ва "Кишмиш" ҳиссадорлик жамиятлари ҳам Италиянинг "Сассиб фуд", "Бертуцци" фирмалари билан томат пастаси ва мева пьюрелари тайёрлайдиган асбоб-ускуналар етказиб бериш юзасидан шартномалар туздилар.

Келгусида соҳада амалга оширилаётган ижобий ўзгаришлар натижасида мева, сабзавот, полиз маҳсулотларини қайта ишлаш ҳажми янада кенгаяди. Республикамиз хазинасига тушаётган валюта миқдори 1999 йили 694,9 минг АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2001 йилда 6 миллион 365,5 минг АҚШ долларига етган эди. Мамлакатимиз консерва саноати маҳсулотларига жаҳон бозорида талаб ортиб бориши туфайли ана шу кўрсаткичлар ҳам ортиши кутилмоқда.

**Ҳосил КАРИМОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**



# «Лола - модел»

*Бозор иқтисодиёти шароитида мамлакатимиз бозорларини арзон ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдиришда юртимизда фаолият юритаётган ташкилотлар ва шунингдек, қўшма корхоналарнинг ҳам ўз ўрни бор. Яқин-яқинларга қадар қолоқлик ботқоғидан чиқолмаётган Гулистондаги "Лола" тикувчилик корхонаси негизида "Bisiness Research Investmens" (АҚШ) "Dogus"(Туркия) хорижий компаниялар билан ҳамкорликда "Лола-модел" қўшма корхонаси ташкил этилгач, ишлаб чиқариш салмоғи кескин ошди. Маҳсулот сифати эса ҳар қандай хориж маҳсулотлари билан рақобатлаша оладиган бўлди. Бундан ишчилар ҳам, истеъмолчилар ҳам, ҳамкорлар ҳам бирдай манфаатдор бўлмоқда.*

**СУРАТДА: тикувчи Марҳабо Ҳусанова иш устида.**

**И. ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.**

# Гамбургга, тажриба орттиргани

*Германияда касбий таълим тизими бир асрдан ортиқ тарихга эга. Жамғарманинг бош ташкилоти Гамбургда жойлашган бўлиб, у Германиянинг 62 шаҳрида 86 маслаҳат ва таълим марказларига эга.*

Мазкур жамғарма икки томонлама лойиҳа доирасида Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишда раҳбар кадрлар ва мамлакатимиздан ўқишга юборилган талабалар малакасини оширишга яқиндан кўмак кўрсатиш истагини билдирмоқда.

Жамғарма вакилларининг 2003 йилнинг апрель ойида Ўзбекистонга ташрифи давомида мамлакатимиз Олий ва ўрта таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-таълим маркази ва "Гроне" жамғармаси ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш борасида ҳужжат имзоланди.

Келишувга асосан, 2003-2008 йилларда 100 нафар ўзбекистонлик мутахассис учун йилига икки марта Германияда олти ойлик ўқув машғулотлари ташкил этилади. Бу эса ҳамюртларимизга енгил ва озиқ-овқат саноати, электротехника, радиотехника соҳаларида техник тайёргарлик курсларида таҳсил олиш имконини яратади.

Айниқса, ахборот технологиялари, медицина, саноат ва аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларида ўзбекистонлик мутахассисларнинг малакаларини оширишларига алоҳида аҳамият берилади. Бу борада жамғарма билан Ўзбекистоннинг ахборот технологиялари университети ўртасида ўзаро ҳамжиҳатлик тўғрисида Меморандум имзоланган.

— Ўзбекистон жамғармамиз билан республика касбий коллежлари ва академик лицейлари раҳбарлари малакасини оширишда кўмак кўрсатиш тўғрисидаги ҳужжатни имзолаган Марказий Осиёда ягона давлатдир. Шунинг учун жамғарма МДҲ ҳудудида Ўзбекистонга ўзининг асосий шериги сифатида қарайди, — деб таъкидлади "Гроне" жамғармаси президенти доктор Хельмут Роланд.

**Аслам АКБАРОВ,**
**"Жаҳон" АА мухбири.**

# «Ўзсаноатқурилишбанк»: 9 ОЙЛИК

«Ўзсаноатқурилишбанк» ўзининг ресурс базаси барқарорлигини, акциядорлар ва омонатчиларнинг маблағлари ҳимоясини таъминлаб, ўз капиталини шакллантиришга катта аҳамият қаратмоқда. Капиталлаштириш даражасини ошириш, ликвидлик ва молиявий барқарорликни мустаҳкамлаш бўйича кўрилган чора-тадбирлар шарофати туфайли, шунингдек, активларни ўстириш, информацион ахборотлаштириш тизими ва технологияларини ривожлантириш ҳисобига жорий йилнинг 9 ойи мобайнида банкнинг асосий молиявий кўрсаткичлари яхшиланди.

«Ўзсаноатқурилишбанк» стратегиясини ривожлантиришнинг муҳим таркибий қисми устав капиталини барқарор ривожлантиришдан иборатдир. 2003 йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра, банкнинг умумий капитали 33120 млн.сўмга етиб, ўтган йилнинг шу даврига таққослаганда 6688 млн.сўмга ўсди. Устав капитали 9823,6 млн.сўм миқдорида шакллантирилди. Ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан капитал ўсиши акцияларни жойлаштириш ва фойдани капиталлаштириш ҳисобига қўлга киритилди.

Банк активлари 282,5 млрд.сўмни ташкил этиб, йил бошидаги кўрсаткичга нисбатан 38,9 млрд.сўмга ёки 16 фоизга ўсди. Банк активларининг 64,7 фоизи кредит қўйилмалари ҳиссасига тўғри келди. Хорижий ва маҳаллий банклар депозитларига қўйилмалар ҳиссаси 15,7 фоизни, қимматли қоғозлар ҳиссаси 1,6 фоизга етди.

«Ўзсаноатқурилишбанк» фаолиятининг асосий йўналишлари қаторига аҳоли билан иш олиб бориш ҳам киради. Фуқароларнинг вақтинча бўш пул маблағларини банкка жалб этиш — уларни сақлашнинг ишончли ва қулай шакли ҳисобланади. Аҳолининг «Ўзсаноатқурилишбанк» депозитларига кун сайин ўсиб бораётган ишончи уларнинг пул омонатлари самарали жамғарилишининг исботидир. Мисол учун, йил бошига нисбатан аҳоли жамғармаларининг умумий қолдиғи 9062,2 млн.сўмга ўсиб, 25274,0 млн.сўмни ташкил этди. Ҳозирги даврда «Ўзсаноатқурилишбанк» тизимида 160дан ортиқ жамғарма кассалари ва 90дан ортиқ валюта айирбошлаш шохобчалари фаолият юритмоқда. Улар замонавий электрон ҳисоблаш техникаси билан жиҳозланган бўлиб, коммунал ва бошқа хизматлар учун тўловларни аҳолига қулай бўлган вақтларда қабул қилиш имкониятларига эга.

Даромадлилик даражаси, муддатлари, омонатчиларнинг эҳтиёжларига мутаносиб равишда жамғариш шартлари турлича бўлган омонатларнинг жозибадор хиллари банк томонидан аҳолига таклиф қилинмоқда. «Баҳор», «Орзу», «Тақдим этувчига» жамғарма омонатлари шулар жумласидандир. Муҳими, «Ўзсаноатқурилишбанк» омонатларининг юқори даромадлилиги аҳолининг ўз маблағларини банк кассаларида сақлашларига туртки бўлмоқда.

Бундан ташқари, аҳолига қўшимча хизмат турларини кўрсатиш мақсадида ўтган йилнинг август ойидан бошлаб «CONTACT» тизими орқали хорижий валютадаги пул маблағларини тўлаш бўйича жисмоний шахслар учун халқаро ўтказмалар жорий этилди. Шу йилнинг 9 ойи мобайнида 41206 нафар жисмоний шахсга 17,9 млн. АҚШ доллари миқдорида келиб тушган пул ўтказмалари тўланиб, 170 нафар жисмоний шахсдан 176,3 минг АҚШ доллари бошқа мамлакатга жўнатиш учун қабул қилинди. 500 млн.сўм миқдорида чиқарилган банк жамғарма (депозит) сертификатларининг 2-эмиссиясини сотиш ишлари эса якунланмоқда.

Маълумки, мижозларга маъқул депозитлар кредитлаш учун ресурс базасини кўпайтиришга ва банкка нақд пул тушумининг оқиб келишига кўмаклашади. Ўзининг ва жалб этилган кредит ресурслари ҳисобига актив операцияларини таъминлашга қаратилган тадбирлар шарофати билан шу йил 1 октябрь ҳолатига кўра, банк бўйича ресурсларнинг умумий ҳажми ошиб, 282,5 млрд.сўмни ташкил этди.

Ўз фаолиятининг асосий йўналиши бўлмиш кредитлаш соҳасини кенгайтиришга содиқ қолган «Ўзсаноатқурилишбанк», шунингдек, қўйилмалар ҳажмини ҳам кўпайтирмоқда. 2003 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, банкнинг кредит қўйилмалари йил бошидаги кўрсаткичга нисбатан 15,1 млрд.сўмга ўсиб, 182,9 млрд.сўмга етди. Миллий иқтисодиётнинг реал секторига тегишли корхоналарни кредитлашга анъанавий тарзда устуворлик берилиб, уларга кредит маблағларининг 99,8 фоизи йўналтирилди.

Бир йилдан зиёд муддатга берилган кредитларнинг жами улуши 78,1 фоизни ташкил этди. Улар нефть ва газ, кимё ва кўмир саноатини ҳамда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга сарфланди.

Кредит хатарларини камайтириш ва диверсификациялаш асосида сифатли ва юқори даромадли кредит портфелини кўпайтириш кредитлаш соҳасидаги энг муҳим вазифадир. Ҳисобот даврида банк хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратди. Жорий йилнинг 9 ойи мобайнида ана шу субъектларга умумий миқдори 10817 млн.сўмлик кредит берилди. Халқ хўжалиги тармоқлари бўйича кўриб чиқадиган бўлсак, кредит қўйилмалари умумий ҳажмининг 36 фоизи саноат соҳасига, 15 фоизи қишлоқ хўжалигига, 17 фоизи қурилиш ва хизмат кўрсатиш соҳасига ва 32 фоизи бошқа соҳаларга йўналтирилди.

Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришда тижорат банкларининг иштирокини рағбатлантириш бўйича республика ҳукумати қарорлари асосида банк 5630 млн.сўм миқдоридаги Имтиёзли кредитлаш махсус фондини шакллантирди. У ишлаб чиқариш микрофирмалари, кичик ва ўрта корхоналарни, деҳқон ва фермер хўжаликларини, юқори технологик ва инновация лойиҳаларини имтиёзли шартларда кредитлашга мўлжалланган. Ушбу фонд ташкил этилган даврдан бошлаб умумий суммаси 7602 млн.сўмлик, шу жумладан, жорий йилда 2263 млн.сўмлик кредитлар ажратилди.

Банк филиаллари томонидан кичик ва ўрта бизнес субъектларига 3108 млн.сўм миқдорида микрокредитлар берилган бўлса, шундан 40 фоизи қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга, 46 фоизи саноатга, 7 фоизи қурилиш ва аҳолига хизмат кўрсатишга, 7 фоизи бошқа соҳаларга йўналтирилди.

«Ўзсаноатқурилишбанк» фаол ташқи иқтисодий фаолиятни ҳам олиб бормоқда. ЕТТБнинг кичик ва ўрта бизнес корхоналарини қўллаб-қувватлаш ҳамда республиканинг ишлаб чиқариш салоҳиятини оширишга қаратилган кредит линиясини ўзлаштириш бўйича иш давом эттирилмоқда.

15 млн. АҚШ доллари миқдоридаги Қарз Келишуви кучга кирган пайтдан бошлаб банкка 50 дан ортиқ лойиҳа тақдим қилинди. Жорий йил давомида банк томонидан мазкур кредит линияси ҳисобидан «Жўрабек Лабораториес ЛТД» ҚК базасида кукунли инъекциявий дори-дармон ишлаб чиқаришни ташкил этиш, «Ол-Пласт» ШК (Тошкент вилояти) базасида полипропилен қоплар ишлаб чиқариш, «Озиқовқатсавдо» МЧЖ базасида шарикли ручкалар ишлаб чиқариш каби кўплаб лойиҳалар молиялаштирилди.

Шу билан бирга, банк хорижий сармояни жалб қилган ҳолда йирик инвестициявий лойиҳаларни молиялашни амалга оширади. Масалан, «Ўзгласзайден» ҚКнинг техник шиша толаси ишлаб чиқаришга қаратилган лойиҳаси «Банкгезельшафт Берлин» томонидан молиялаштирилди.

Хорижий кредит линияларини жалб қилиш бўйича ҳам фаол иш олиб борилмоқда. Чехия Экспорт банки билан ўрта муддатли инвестициявий лойиҳаларни молиялаш учун келишув имзолангани кичик ва ўрта бизнес лойиҳаларини молиялаш учун

# Бозор эркин, миллий валютамиз эркин

(Давоми. Боши 1-бетда).

Таъкидлаш керакки, миллий валютанинг жорий операциялар бўйича конвертациясининг амалга оширилиши нафақат хўжалик юритувчи субъектлар, балки аҳоли учун ҳам кенг имкониятлар яратади ва уларнинг хорижий валютага бўлган эҳтиёжларини янада тўлиқ қондиришга хизмат қилади.

**Ўткир АЛИЕВ, Тошкент шаҳридаги "Олтин хирмон" очиқ турдаги акциядорлик жамияти бошқаруви раиси:**

— Мамлакатимизда жорий халқаро операциялар бўйича сўмимизнинг эркин валютага алмаштирила бошланганлиги айни муддао бўлди. Бу, табиийки, кўнглимизда ифтихор туйғусини ҳам уйғотади, шу билан бирга, давлатимиз нуфузини дунё миқёсида оширади. Эндиликда ҳар бир фуқаро банклар ва валюта алмаштириш шохобчаларида эркин муомаладаги валютани ҳеч қандай тўсиқсиз, имконият борича сотиб олиши мумкин.

Ҳукуматимиз раҳбарияти бошчилигида мазкур масалани ечишга пухта тайёргарлик кўрилди, ривожланган давлатларнинг бу борадаги тажрибаси, ютуқ ва камчиликлари батафсил ўрганилди. Президентимиз узоқни кўзлаб сиёсат юритаркан, ташқи иқтисодий фаолиятни такомиллаштириш борасида босқичма-босқич Фармон ва қарорлар қабул қилди. Олтин-валюта заҳирасини жамғариш жараёни амалга оширилди. Энг муҳими, биз бу масалани бировдан ёрдам олмай, ўз кучимиз билан ҳал қилдик.

**Мустафо ШЕРМАТОВ, Самарқанд шаҳридаги "Камалак-S" фирмаси раҳбари:**

— Ўзбек сўмининг албатта эркин муомалага киритилишига шак-шубҳам йўқ эди. Лекин биз бу масалага пухта ўйлаб, узоқни кўзлаб ёндашдик. Баъзи давлатларга ўхшаб шошма-шошарликка йўл қўймадик. Дастлаб республикамизда унга қонуний асос яратилди. Халқаро Валюта Жамғармаси вакиллари бир неча марта юртимизда бўлиб, амалга оширилаётган ишлар билан батафсил танишди, ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Масалага дахлдор вазирликлар ва Марказий банк ходимлари улар билан ҳамкорликда иш олиб боришди. Халқаро Валюта Жамғармаси томонидан қўйилган барча талаблар бажарилгандан кейин, конвертация «очилди».

Мамлакатимиз иқтисодиёти ривожланиб бормоқда. Президентимиз таъкидлаганидек, биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва кам бўлмаймиз. Сўмимизнинг эркин муомалага киритилиши тадбиркорликни янада ривожлантириш, хорижий сармояларни иқтисодиётга жалб қилиш имконини яратади.

**"Халқ сўзи" мухбирлари Саидолим ҲАЙДАРОВ, Ҳосил КАРИМОВ ёзиб олди.**

## ҚУВА АНОРИ — ЖАҲОН БОЗОРИДА

*ФАРҒОНА (ЎзА мухбири Р.КАМОЛОВ).*

Қува анори Жанубий Корея бозорини забт этмоқда. Саховатли заминимизнинг бу неъмати хорижлик истеъмолчиларга манзур бўлмоқда. Юртимизга ташриф буюрган бир гуруҳ корейс ишбилармонлари Қува заминида етиштирилган анорлар лаззатидан баҳраманд бўлгач, бу тансиқ мевани ўз юртдошларига ҳам тавсия этишни ният қилди. Ҳозир кореялик тадбиркорлар аҳолидан анор сотиб оляпти. Улар бу ерда сараловчи махсус цех ҳам очди. Унда 23 нафар йигит-қиз меҳнат қилмоқда.

Яқин кунларда Қува анори Кореяга йўл олади.



*Янгиқўрғон туманида фидойилар яшайди. Сабаби, туман қишлоқларидаги тадбиркордан тортиб оддий ишчиларгача қишлоқларни обод қилиш ҳақида қайғуради. Яқинда тумандаги Т. Неъматов номидаги ширкат хўжалиги қишлоқ ёшларига совға туҳфа этди. Бу оддий туҳфалардан фарқли ўлароқ, мактаб биноси эди. Хўжаликнинг ўзи учун қураётган маъмурий биноси 20-ўрта мактабга тортиқ этилди. Хоналар дарс ўтиш учун мослаштирилди. Ҳозирда бу ерда сўнгги пардозлар иши тугалланаётир.*

**СУРАТДА: қурувчилар Исроилжон Миртожиев ва Музаффар Отабоевлар иш устида.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

# Ҳақимга хиёнат қилманг

*Мулоҳаза*

*Яхши яшаш яхши-да! Тагингда чет эл машинаси, қўлингда «сотка» жиринглаб турса.*

*... Бунинг учун нима қилиш керак?*

*Албатта, катта фойда келтирадиган тадбиркорлик билан шуғулланиш лозим. Қолаверса, бугун юртимизда тадбиркорликка кенг йўл очилаётган бир пайтда сердаромад соҳани қидириб, таваккал қилиб кўриш муаммо эмас.*

Мана шу тамойил бутун бир иқтисодиётни ҳаракатга келтирувчи куч ҳисобланади. Замон ўзгариши билан пул топиб, тирикчилик ўтказишнинг йўллари кўпайгандан-кўпайиб бормоқдаки, ҳаттоки, уларнинг айримларини кўриб ёқа ушлайсиз.

Нима бўлганда ҳам аксарият тадбиркорлар ишлаб чиқаришдан кўра, осонроқ сердаромад соҳага ўзини «уриб» кетмоқда. Шундан бўлса керак, шаҳримиздаги гавжум кўчалар ёқаси бўйлаб қурилган кўп қаватли уйларнинг биринчи қаватида тўлиғича мини маркетлар очилган. Тағин уларнинг пештоқига чиройли қилиб тушуниб бўлмас хорижий тилларда алламбало сўзлар ёзиб қўйилган. Масалан, «7 eleven».

Уларнинг фаолиятига рухсат этилаётганда бироз режалаштиришга эътибор бериши керак деб ўйлайман. Хусусан, бугун якка тадбиркорлик типидаги ошхона, бар, кафе каби умумий овқатланиш муассасалари чунонам кўпайиб кетдики, гўё уларнинг саноғи йўқдек. Масалан, «Ҳамза» метросидан чиқиб, ҳар куни ишдан қайтаётганимда, чамаси, 600-700 метрлар яёв йўл босаман. Мана шу масофа ичида 14 та ошхона, кафе, барлар фаолият кўрсатади. Ҳатто уларнинг айримлари бир-бирларига ёнма-ён жойлашган. Кичик дўкончаю, писта, сигарет, қурт сотиб ўтирганларнинг саноғи йўқ. Наҳот ҳамма сотувчи, ҳамма истеъмолчи дея ўйлаб қоласан. Бу ерда ишлаб чиқарувчи қани?

Шу ўринда ҳақли эътироз билдиришингиз табиий. Бозор иқтисодиёти, рақобат... Тўғри, агар фойда кўрмаса, ким эрталабдан кечгача пашша қўриб ўтирарди? Келинг, шу масалада фақат ошхона, кафе, бар каби умумий овқатланиш муассасаларининг фаолиятига бир назар ташласак.

Ҳали юқорида айтганимдай, булар фаолиятида кучли рақобат муҳити мавжуд. Иқтисодий ибора билан айтганда, таклиф кўп, талаб оз. Унда улар бундай шароитда фойдани қаердан оляпти. Бу ўринда кимнинг ҳақига хиёнат қилинаяпти?

Негадир, ошхона хизматчиларидан улар фаолиятига доир ахборотларни олиш анча қийин кечди. Чамамда, улар саволларимга жавоб беришни ўзларининг касбий сирларини очиш ёхуд бошқа ҳамкасбларига хиёнат қилиш, деб тушунишди. Нега улар кўраётган фойдасини матбуотда ошкор қилишни хоҳлашмади? Ахир, халқимизда «Ошинг ҳалол бўлса кўчада ич», деган гап бор-ку.

Гулбаҳор исмли бир ошхона хизматчисининг берган тахминий маълумотига кўра, бир порция ошнинг таннархи айни пишиқчилик даврида 200 сўмни ташкил қилар экан. Сотилишда эса бир порция ош 600-800 сўм. Бир кунда 10 кило гуруч дамлайдиган ошхоналарда ошнинг ҳаммаси сотилганда 55-60 минг сўм даромад кўради. Аслида таннархи 20 минг сўм атрофида. Кўп истеъмол қилинадиган шўрвада ҳам шу аҳвол. Бир порция шўрванинг нархи ҳам ошникидан қолишмайди, лекин таннархи 140-150 сўм атрофида. Ошхоналардаги порциялар миқдорида ҳам кескин тафовут бор. Хизматчи қиз маълумот ўрнида яна шуни ҳам айтиб ўтдики, ҳар бир стол учун 10 фоиздан хизмат ҳақи олганида бир кунда 18-20 минг сўм атрофида даромад кўрар экан. Бозор иқтисодиёти шароитида ўз-ўзидан маълумки, нархларни эркинлаштириш сиёсати олиб борилади. Кўпгина соҳаларда фаслга қараб айрим хизмат турларининг нархлари ўзгариб туради. Хусусан, ошхоналар даромади ҳам шу тамойилга асосланиши керак. Ахир, айни пайтда бозорларимиз тўкин-сочин, пишиқчилик даври. Кўпгина маҳсулотлар арзон. Айниқса, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари. Аммо бизнинг ошпазларимиз кўнсанг шу, кўнмасанг катта кўча қабилида иш тутмоқда.

Шу ўринда яна бир гап. Собир Раҳимов метро бекатидан чиққанингиздан, ўзингизни ўрта аср бозорида юргандай ҳис қиласиз. Кимдир йўловчи чақиради, яна кимдир «заказ сомса» деб бақиради. Чап тарафда иккита ёнма-ён ошхона. Стол-стуллари эски, кир. Кабобнинг тутуни буруқсиб ичкарига ўрлайди. Гигиена талабларини эслаш ноўрин. Бу ердан мутасаддилар ўтмасалар керак, чоғи...

Хуллас, бу соҳада айтиладиган гаплар кўп, тартибга солиниши зарур бўлган муаммолар бисёр.

**Б. ЮНУСОВ.**

*Баҳс*

# Ўқиш бошқа, уқиш бошқа... ёхуд бир мақолага турлича қараш

*Ёдингизда бўлса, газетамизнинг шу йил 18 июль сонида "Олимжон отани ким йиғлатди?.." сарлавҳали танқидий мақола эълон қилинганди. Мақола ниҳоясида "Мазкур иш ҳозирга қадар уч марта туманлараро судда, уч марта вилоят судларида, бир марта Олий судда турли босқичларда кўрилган. Бунинг учун қанчадан-қанча вақт ва меҳнат сарфланган. Наҳотки, шу жараёнда бирорта судья иш аслида хўжалик суди судловига дахлдорлигини билмаган бўлса?.. Энди буёғи нима бўлади? Ноҳақликка учраган тадбиркорнинг судма-суд қатнаб йўқотган қимматли вақти, ойлаб-йиллаб чеккан изтироблари, кўрган моддий-маънавий зарарлари ўрнини ким, нима билан тўлдиради?" деган саволлар ўртага ташланганди.*

*Газета чиқиши мутасаддиларда турлича фикр уйғотди. Чунончи, Наманган вилояти прокуратураси мақоладаги далил-рақамлар тўғрилиги таъкидланган, иш қандай асосда тугатилгани батафсил изоҳланган расмий жавоб юборди. Қўшимча равишда туманлараро суд ижрони қайтариш бўйича шу йил 7 июнда қабул қилган ажримга нисбатан "Миролимхон" фирмаси томонидан апелляция шикояти келтирилгани учун эндиликда ишни бошқа вилоят судига юбориш масаласи ҳал этилаётганини хабар қилди. Наманган шаҳри ҳокими ўринбосари М.Камолов, аксинча, 23 июль куни Олий Мажлиснинг Матбуот ва ахборот қўмитасига, Олий судга, шунингдек, бизга рўй берган машмашада гўёки ҳокимликнинг айби йўқлигини, судлар ишни фақат даъвогар манфаатини кўзлаб олиб боришгани туфайли сунъий равишда катта миқдордаги маблағлар пайдо қилинганини билдириб, эътирозномалар битди. Олий суд судьяси, Пленум котиби Х. Ҳасанов эса имзосиз раддияни илова қилиб, уни таҳрирсиз чоп этишимизни сўраган.*

*Хуллас, газетада кўтарилган масала — ишбилармон манфаатини ўйлаш бир четда қолиб, ҳар ким ўз кўмачига кул тортган. Биз гап нимадалигини ўзингиз тушуниб оларсиз, ким ҳақ-у ким ноҳақлигига холисона баҳо берарсиз, деган умидда Олий суд жавобини ҳамда мухбиримиз шарҳини эътиборингизга ҳавола қилишни лозим кўрдик.*

## Олий суд жавоби

### Холис одам ўз ҳукмини айтишга ошиқмайди

...Абдунаби Ҳайдаров "Олимжон отани ким йиғлатди?" номли мақоласида гўёки Олимжон отанинг йиғисига суд айбдор деган фикрни бериш билан *қонун олдида ҳамма - оддий фуқаро ҳам, мансабдор шахс ҳам тенглигини, қонун муҳокама қилинмаслиги, балки ижро қилинишини* унутган кўринади.

Акс ҳолда Олий суднинг ажримига гумон билан қарамаган, суд ходимларининг мақолада таъкидланишича, "адолат пешволарининг қилни қирқ ёриб, оқни-оққа қорани-қорага ажратишларига астойдил умид боғлаган О.Жўраевнинг орзулари саробга айлангани, унинг сув барибир сойга оқишини зинҳор-базинҳор хаёлига келтирмагани" тўғрисида киноя қилмаган, кенг газетхонларни чалғитмаган бўлар эди.

Мақолада тилга олинган Олимжон ота-Олимжон Жўраев "Миролимхон" хусусий ишлаб чиқариш фирмаси манфаати юзасидан Наманган шаҳар ҳокимлигига нисбатан даъво аризаси билан мурожаат қилиб, суддан 1998 йилда Наманган шаҳар, Чорсу майдони олдидаги Гагарин, Навоий ва Марғилон кўчаларидаги ер ости йўлларида ўрнатган 5 та темир дарвоза ва 4 та савдо дўкони бузиб ташланиши билан боғлиқ етказилган 175.375.920 сўм моддий зарар, 6.015.000 сўм бой берилган фойдани ҳамда маънавий зарар ҳисобига 2.000.000 сўм ундиришни сўраган.

Мазкур фуқаролик иши судларда бир неча маротаба кўрилган ва биринчи ҳамда апелляция инстанцияси судлари томонидан О. Жўраевнинг даъво талаблари қисман қаноатлантирилган. Бироқ, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ўз ваколати доирасида ишни назорат тартибида кўриб, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 31- моддаси, Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 23-моддаси талабларига асосан, мазкур *иш фуқаролик ишлари судловига эмас, балки ҳар иккала тараф юридик шахс бўлганлиги сабабли хўжалик судлари судловига тааллуқли эканлиги сабабли,* Фуқаролик процессуал кодекси 100-моддасининг 1- бандига кўра иш юритишдан тугатилган.

Мақолада муаллиф Олий суд ходимининг О. Жўраевга "Иш бизда ўрганилаётгани боис ижро тўхтатилган. Сизга бошқа ҳеч қандай ахборот берилмайди", деган ҳақли жавобидан таажжубланиб, жавобгар эътирозларига даъвогар муносабати олинмаган, ҳали вилоят суди раёсатида кўрилмаган иш Олий судда кўрилиши тўғрими? Ёки ажрим чиқарилмасданоқ ижро тўхталиши мумкинми, деб савол қўйган.

Муаллиф мазкур саволларга мақола тайёрлаш асносида жавоб излаганда, амалдаги қонунчилик талабларидан келиб чиқиб фикр юритганда, ўзининг ҳуқуқий саводхонлиги ва маданиятлилигини намоён этган бўлар эди.

Марҳамат қилиб журналист А.Ҳайдаров ўзини қийнаган саволларга жавоб олиши мумкин.

О.Жўраевнинг мурожаати бўйича Олий суд ходими қонун талабига амал қилган ҳолда тўғри жавоб қилган, чунки иш бўйича қарор чиқорилмаганлиги, иш ўрганишда бўлганлиги сабабли *ижро тўхтатилганлигини маълум қилиб, иш ҳолати бўйича бошқа ҳеч қандай ахборот берилмаслигини* таъкидлаган.

Мазкур фуқаролик иши фуқаролик ишлари бўйича Фарғона вилоят суди томонидан назорат тартибида ўрганилиб, суд қарорларини ўзгартириш ва бекор қилишга асос йўқ,деб топилган.

Назорат тартибида иш кўришнинг алоҳида хусусиятларидан бири шундаки, апелляция, кассация инстанцияларида иш кўриш тартибидан фарқли равишда назорат тартибида берилган шикоятга нисбатан қарши тарафнинг эътирозини олиш ҳамда иш кўришда тарафларнинг иштироки шартлиги талаб қилинмайди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқарлик (фуқаролик бўлса керак — таҳририят) процессуал кодексининг 351- моддаси талабида иш Олий суд томонидан назорат тартибида ўрганиш учун чақирилган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кордексининг 352-моддасига кўра, назорат тартибида протест келтириш ҳуқуқи берилган прокурор ва унинг ўринбосарларидан ташқари мансабдор шахслар тегишли ҳал қилув қарорлари, ажримлар ва қарорларнинг ижросини назорат тартибида иш юритиш тамом бўлгунига қадар тўхтатиб туришлари мумкин.

Шундан маълумки, суд ҳал қилув қарорининг ижросини назорат тартибида тўхтатиш ваколати судга эмас, балки ваколатли мансабдор шахсларга берилган, шунинг учун ҳам *ижрони тўхтатиш учун ажрим чиқарилмайди,* балки ваколатли мансабдор шахснинг *хати орқали амалга оширилади.* Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 18-моддасига кўра, ҳал қилув қарори, қарор ва ажримлар судда кўрилаётган ва ҳал этилаётган масалалар бўйича суд томонидан чиқарилади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси ва Жиноят процессуал кодекси талабида ишларни назорат тартибида ўрганиш жараёнида моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари бузилганлиги аниқланган ҳолларда тегишли суд қарори, ажрим ва ҳукмларга нисбатан Олий суд раҳбарияти томонидан назорат тартибида протест киритилади.

Зеро, Олий суд фуқаролик, жиноий ва маъмурий суд ишларини юритиш соҳасида суд ҳокимиятининг олий органи ҳисобланиб, у ҳар бир ишнинг қонунга асосан ҳал этилишини таъминлайди.

А.Ҳайдаров "Ўзининг (О.Жўраевнинг) кўзда ёш-ла айтишича, иш Олий судда кўрилаётгани ҳақида бирон-бир хат-хабар олмабди. Нуфузли ҳайъат ажримидан орқаваротдан хабар топибди", деб таъриф келтиради. Ваҳоланки, ўз вақтида иш бўйича келтирилган протест нусхаси О.Жўраевга юборилиб, кўриладиган кун маълум қилинган. Шунингдек, иш назорат тартибида кўрилгач, судлов ҳайъати ажримининг нусхаси ҳам О.Жўраевга юборилган.

Бундан ташқари, А.Ҳайдаровнинг ўзи таъкидлаганидек, Олий суднинг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан "Халқ сўзи" газетаси таҳририятига ҳам протест киритилгани ва ишни кўриш 2003 йил 7 мартга тайинлангани маълум қилинган. Наҳот, мазкур ишнинг натижасига қизиққан А.Ҳайдаров бу ҳақда О.Жўраевга маълум қилмаган?

А.Ҳайдаров "Олий суднинг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати берган расмий жавобда арзгўй тилга олган далиллар тўғрисида ҳеч нарса дейилмаганди...", деб урғу берган.

Бу билан А.Ҳайдаров суддан тушунтириш талаб қилмоқчими? Наҳотки, журналистимиз, "Халқ сўзи" дек нуфузли газетанинг мухбири бўла туриб, суд ҳокимиятининг мустақиллигини, суд ва судьялар фақат қонунга бўйсунишини, шунингдек судда кўрилган ишларнинг ваколати бўлмаган шахслар томонидан назоратга олиниши, суд ишларига ҳар қандай аралашувлар суд ҳокимияти тамойилларига зид ҳисобланишини билмайди?

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида қилган маърузасида ҳуқуқий маданият тўғрисида сўзлаб, "Ҳуқуқий маданият даражаси- бу судни ҳурмат қилиш, ўз ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилиш эҳтиёжи" эканлигини таъкидлаган эдилар.

Шу ўринда, сўнгги пайтларда турли матбуот чиқишлари орқали *айрим журналистлар томонидан суднинг қонуний кучда бўлган қарорларини тушуниб-тушунмаган ҳолда бир тараф (даъвогар ёки жавобгар) манфаатидан келиб чиқиб, бир томонлама ёритиш ва мақола эълон қилингач, Олий судга алоҳида хат ёзиб натижа талаб қилинаётганлигини* қандай изоҳлаш лозим?

Бу мавжуд қонунларга ва судга ҳурматсизлик, давлатимизда Конституция ва қонунларнинг устуворлиги принципини тан олмаслик эмасми?

Суднинг мустақиллигини таъминлашдан барча баробар манфаатдордир. Зеро, том маънодаги мустақил судгина қонунлар устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини сўзсиз тиклаш, ҳимоя қилиш, давлат, жамият ва фуқаролар ўртасида келиб чиқадиган низоли муносабатларга ҳаққоний, адолатли баҳо беришга қодирдир.

## Мухбир шарҳи

### Ҳақиқатни айтиш нохолисликка кирадими?

Очиғи, мақола мутасаддиларда қизиқиш уйғотганидан, айниқса, Олий судда алоҳида ўрганиб чиқилганидан беҳад хурсанд бўлдик. Фақат бир нарсани — ҳуқуқшуносларимиз нима учун сунъий равишда йўқдан бор яратишга интилганликларини тушунмадик. Чунки раддия, одатда, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган ҳақиқатга тўғри келмайдиган, юридик ёки жисмоний шахснинг шаъни ва қадр-қимматига доғ туширадиган маълумотларга нисбатан берилади. "Олимжон отани ким йиғлатди?.." мақоласи эса суд ҳужжатлари асосида ёзилганди. Унда ифодасини топган воқеалар баайни ҳақиқат бўлиб, низони такрор-такрор ўрганиш самараси ўлароқ, судьяларнинг ўзлари аниқлаган ва қонунан тасдиқлаган далил-рақамлардан иборат эди. Қолаверса, *иш кўрилаётган пайтда қонун посбонлари фаолиятига аралашилгани ҳам,* "раддия"да урғу берилганидек, *ошиғич ҳукмни айтиб,* қандайдир йўллар билан *суд жараёнига таъсир ўтказишга интилгани ҳам йўқ.* Билъакс, "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги Қонуннинг 6, 8, 9-, "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида"ги Қонуннинг 4, 8-, "Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг 5, 6, 9, 10-моддаларига таянган ҳолда иш юритилган. Янаям аниқроғи, *можарога оид фикр-мушоҳадалар суд поёнига етгандан кейингина билдирилган.* Бинобарин, юқорида тилга олинган ҳужжатларда таҳририят ходими ахборот тўплашга, уларни таҳлил қилишга, тарқатишга, шу мақсадда турли ташкилот-муассасаларга мурожаат этишга, текширув ўтказишга, *суднинг ҳал қилув қарори ёки ҳукми қонуний кучга киргач, муайян воқеа-ҳолатга нисбатан журналистик тахминларини шахсий мулоҳаза тарзида эълон қилишга ҳақли* эканлиги аниқ-тиниқ муҳрлаб қўйилган. Ҳақиқатни рўй-рост айтиш эса нохолисликка кирмайди. Жумладан, суд фаолиятидаги англашилмовчилик ва хато-камчиликлар ҳақида сўз юритиш унинг шаъни ва қадр-қимматини ерга уриш ҳисобланмайди. Бу — биринчидан.

Иккинчидан, журналист сифатида судга оид ишлар юзасидан мухбир ҳукм чиқариш ҳуқуқига эга эмаслигини, охирги сўзни фақат адолат посбонлари айтишлари даркорлигини яхши тушунамиз. Айни чоғда, суд хулосаси қонун даражасида барчага баробарлигини, у муҳокама қилинмасдан сўзсиз бажарилиши шартлигини унутмаганмиз. Шу боис *мақолада Олий суд ажримини нотўғри деб, муҳокама қилишга уринилмаган. Унга нисбатан заррача эътироз билдирилмаган. Бор-йўғи ишни икки йил мобайнида такрор-такрор кўрган туман-вилоят судьяларининг бирортаси сўнгги хулосагача қадар у хўжалик суди судловига тааллуқлилигини билмаганликларини, бунинг оқибатида шусиз ҳам бор-будидан айрилган тадбиркор узоқ вақт беҳуда овора-ю сарсон бўлиб келганини афсус-ла эслатилган.* Таассуфки, "раддия" муаллифлари Олий суд хулосасига дахли йўқ ушбу гапларимни негадир энг охирги ажримни гумон остига олишга йўйиб, ҳеч бир асоссиз равишда муаллифни газетхонларни чалғитганликда айблашибди. Бироқ асосий муаммо — иш қуйи судлар томонидан салкам икки йил ноўрин кўрилгани муҳокама қилинган-қилинмагани, бундай сансалорликлар келгусида яна такрорланмаслиги, эзгу умид-ла суд эшигини қоқаётганлар Олимжон ота сингари бекордан-бекорга ранжиб қолмасликлари учун қандай чора-тадбирлар белгилангани тўғрисида лом-мим дейишмабди. Ахир, Юртбошимиз ўз чиқишларида тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш зарурлигини, эркин-эмин ишлашлари учун халақит бермаслик лозимлигини бот-бот уқтириб келмоқда. Яқинда янги тузилаётган сиёсий партия ташаббус гуруҳи аъзолари билан учрашувда ҳам бу хусусда янада кенгроқ тўхталиб, тадбиркорлар ва ишбилармонлар ўтмишда ҳам, ҳозир ҳам бутун дунёда давлатнинг таянчи ва суянчи, таъбир жоиз бўлса, ҳар қандай жамиятнинг устуни ҳисобланиб келинаётганини эслатди. Бу гап кимлигимиздан, қайси соҳада ишлашимиздан қатъи назар, барчамизга баб-баравар дахлдор эканлигини унутмаслигимиз даркор.

Учинчидан, газетхонлар эътибор берган бўлсалар, Олий суд ходимининг мақолада келтирилган *"Иш бизда ўрганилаётгани боис ижро тўхтатилган. Сизга бошқа ҳеч қандай ахборот берилмайди"* деган сўзлари, *"Жавобгар эътирозларига даъвогар муносабати олинмаган, ҳали вилоят суди раёсатида кўрилмаган иш Олий судда кўрилиши тўғрими? Ёки ажрим чиқарилмасданоқ ижро тўхтатилиши мумкинми?"* каби саволлар О.Жўраев таҳририятимиз номига битган шикоят хатидан келтирилган парчалар эди. Шул сабаб, уларни қўштирноқ ичига олиб, манбасини аниқ кўрсатгандик. Олий суддагилар эса, мақолани синчиклаб ўқишмаган шекилли, мазкур жумлаларни бевосита мухбирга нисбат беришибди. Шунданми, каминанинг "*ҳуқуқий саводхонлиги ва маданиятлилигини"* оширишга кўмаклашиш ниятида ишни назорат тартибида кўришнинг ўзига хос хусусиятлари, суд ҳал қилув қарори ижросини тўхтатиш қандай ҳолатда, ким томонидан, қай тариқа амалга оширилиши хусусида батафсил тушунча беришибди. Аслидачи?..

Биз шикоятномани, "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонуннинг 7-моддаси 1-бандига риоя этган ҳолда, тааллуқлилиги бўйича текшириш ва чора кўриш учун жорий йил февралида Олий судга юборгандик. Илова хатимизда текшириш натижасидан муаллифни ва таҳририятимизни хабардор этишларини сўрагандик.

Расмий жавобда эса, мақолада эслатганимиздек, шикоятчининг саволларига умуман муносабат билдирилмаганди. Фақат протест нусхалари тарафларга жўнатилгани-ю ишни кўриш қайси кунга тайинлангани ёзилганди, холос. Ҳолбуки, юқорида тилга олинган Қонуннинг 7, 12, 17 ва 21-моддаларига кўра, *давлат органларига оммавий ахборот воситалари таҳририятлари орқали келиб тушган ариза, шикоят, таклифлар албатта қабул қилиниши, кўриб чиқилиши, пировард-натижаси эгаларига ёзма шаклда етказилиши шарт.* Масъуллар, ўз эътирофлари билан айтганда, "Халқ сўзи"дек нуфузли газета мурожаатига аввал-бошданоқ жиддий эътибор қаратишганида, О.Жўраев мактубининг асл моҳияти билан чуқурроқ танишиб, шунга яраша атрофлича жавоб қайтаришганида сих ҳам, кабоб ҳам куймасди. Ёхуд "раддия" битиш асноси протест нусхаси ва хабарнома даъвогар қўлига бориб теккан-тегмаганига, у қай сабаб судга келолмаганига аниқлик киритишса, нур устига нур бўларди. Энг муҳими, кейинчалик — мақола газетада ёритилгач, гарчи уни текширишга жўнатмаган бўлсакда, бир томонлама қараб, *"Наҳот, мазкур иш натижасига қизиққан А.Ҳайдаров бу ҳақда О.Жўраевга маълум қилмаган?"* дея ўсмоқчилашга, жавоб ҳаминқадарлиги борасидаги жумламизни *суддан тушунтириш талаб қилиш* деб баҳолашга асло ҳожат қолмасди.

Ва ниҳоят, "Олимжон отани ким йиғлатди?.." мақоласига мутлақо дахли бўлмаган сўнгги эътирозлар ҳақида. Бизда суд ҳокимияти мустақил ҳисобланишига шак-шубҳа йўқ. Судлар ва судьялар, ҳақиқатан ҳам, фақат қонунга бўйсунадилар. Барчамизга зарур ҳуқуқий маданият, "раддия"да Юртбошимиз маърузасидан ўринли иқтибос келтирилганидек, судга ҳурмат унинг мустақиллигини тан олишдан бошланади. Бунга эришиш учун эса қарс икки қўлдан чиқишини, одамлар қонунларга эмас, қонунлар одамларга хизмат қилиши лозимлигини эсдан чиқармаслик керак. Бунинг учун, энг аввало, судьялардан ўз касблари сир-асрорларини пухта билишлари, тегишли кодекслар моддаларини амалиётда тўғри қўллашлари, ишларни кўриш асноси зинҳор-базинҳор шошма-шошарликка, сансалорлик ва юзакиликка йўл қўймасликлари, ҳар қандай вазиятда ҳам холис ва одил бўлишлари талаб этилади. Акс ҳолда, оқибати яхшиликка олиб бормайди — фуқаролар ноўрин азият чекадилар. Энг ёмони, жамиятга, қонунларга ва адолатга нисбатан ишончларини йўқотадилар.

Минг таассуф, ўтмиш иллатлари баъзи ҳуқуқшуносларимиз фаолиятида ҳозир ҳам юз кўрсатиб турибди. Бўлмаса тизимдаги нохушликларнинг ҳукм ёки қарор қонуний кучга киргандан кейин матбуот саҳифаларида ёритилишини, таҳририятларнинг масалага қонунан ойдинлик киритишни сўраб, Олий судга хат йўллашларини ҳуқуқшунослар фаолиятига бемаврид аралашув, улар кўрган ишларни назоратга олиш, Конституция ва қонунларни менсимаслик тарзида талқин қилинармиди?! Аксинча, мазкур жабҳада йўл қўйилган айрим хато-камчиликларни баҳамжиҳатликда тузатиш сари ташланган эзгу қадам деб билиш мақсадга мувофиқдир.

Дарвоқе, демократия қарор топган давлатларда судлар фаолиятининг ошкоралигига ҳамиша катта аҳамият берилади. Бунда оммавий ахборот воситалари муҳим ўрин тутади. Одамлар газета-журналлар, радио-телевидение орқали судлар ишини кўриб-билиб, доимо кузатиб бориш, зарурат туғилганда, уларда иштирок этиш имконига эга бўладилар. Қолаверса, одил судловнинг очиқлиги моҳиятан суд ҳокимияти мустақиллигининг барқарорлашувига хизмат қилади. Бундан нафақат суд идоралари ва судьялар, жамият ҳам катта манфаат кўради.

Ўйлаймизки, қилни қирқ ёрувчи қонуншуносларимиз бу фикрларимизни тўғри тушунадилар ва матбуот чиқишларига холисона ёндашиб, улар билан алоқаларини мустаҳкамлаб борадилар.

**Абдунаби ҲАЙДАРОВ, "Халқ сўзи" мухбири.**

# Янги резолюция тақдимоти

АҚШнинг БМТдаги вакил Хавфсизлик Кенгашига Ироқ масаласи бўйича янги резолюция лойиҳасини тақдим этди. БМТдаги Би-Би-Си мухбирининг хабар беришича, лойиҳа ярим тунгача муҳокама қилинган.

Янги ҳужжатда Ироқни бошқариш қачон малакат халқига берилиши муддатлари кўрсатилмаган. Шунинг учун ҳам Франция, Россия ва Германия дипломатлари ушбу муддат қатъий белгиланишини талаб қилмоқдалар. Киритилган ўзгартиришлар Францияни қониқтирмаяпти ва у овоз беришда бетараф бўлиб қолиши кутилмоқда. Лекин негадир ўзининг вето ҳуқуқидан фойдаланишни истамаяпти. Мутахассисларнинг фикрича, Россия томони резолюция бўйича ўз розилигини билдириши мумкин.

Эндиликда янги резолюция матни БМТ Хавфсизлик Кенгашига кирувчи мамлакатлар пойтахтларида муҳокама қилинади. Бироқ АҚШ томони Хавфсизлик Кенгаши вакилларини янги резолюция учун тезроқ овоз беришга чақирди.

Янги резолюцияга биноан, Ироқ раҳбарияти 15 декабргача ҳукуматни халқ вакиллари қўлига ўтказиш режасини ишлаб чиқариши керак.

Режада янги Конституция қабул қилиниши, сайловлар ва ҳукуматни ироқликлар қўлига ўтказилиши муддатлари аниқ кўрсатилиши лозим.



Резолюция тақдимотчилари бўлган Америка томони Хавфсизлик Кенгаши 15 аъзосидан зарур бўлган 9 овозни қўлга киритишига амин. Резолюция қабул қилинса, АҚШ бошқа давлатларни ўз ҳарбий кучларини Ироққа юборишга кўндиришига ишонмоқда.

Ироқни тиклаш ҳаракатлари давом этаркан, мамлакатга молиявий ёрдам кўрсатиш энг асосий масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Буюк Британия Ташқи ишлар вазирининг сўзларига қараганда, унинг мамлакати бу мақсадлар учун 375 миллион евро ажратди. «Биз бошқа мамлакатларни ҳам ўзларининг бюджет режаларини ҳисобга олган ҳолда, Ироқни тиклашга маблағ ажратишга чақирдик», деди вазир. Аммо, кўпгина Европа давлатлари аввал резолюцияни кўриб, кейин маблағ ажратишларини айтишган. Шунда ҳам Европа ҳамжамияти ажратадиган ёрдам пули 200 миллион евродан ошмаслиги маълум қилинди. Токио ҳам Ироқнинг қайта тикланишига 1,5 миллиард АҚШ доллар беришга рози. Айни пайтгача Япония бу дастурида қатнашаётган энг катта донор ҳисобланади. Кун чиқар мамлакат матбуотининг хабар беришича, бу маблағлар Япония томонидан кўрсатиладиган ёрдамнинг бир қисмидир. Кузатувчиларнинг фикрича, бундай молиявий ёрдам миқдори 5 миллиард долларга етиши мумкин. Бериладиган ёрдам мамлакатни сув билан таъминлаш ва электр қуввати ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун сарфланади. Ёрдам шунингдек мамлакатнинг таълим ва соғлиқни сақлаш тизимларига йўналтирилади.

Маълумки, бундан олдин ҳам Ироқ бўйича иккита резолюция лойиҳаси ишлаб чиқилган эди. Лекин у мустақил Ироқ мамлакатини тезроқ шакллантириш ва БМТ ушбу жараёнда асосий ўрин эгаллаши керак деб ҳисоблайдиган БМТ Бош котиби ҳамда бошқа аъзо мамлакатлар томонидан танқид остига олинган эди. ИТАР-ТАСС мухбирининг хабар беришича, янги лойиҳада тарафдор давлатларнинг эътирозлари инобатга олинган. Мисол учун ушбу ҳужжатда Лондон ва Мадрид киритган ўзгаришлар акс этган.

Янги резолюция устида музокаралар давом этмоқда. Қабул қилиниши кутилаётган ушбу ҳужжат Ироқ мамлакати тезроқ оёққа туриб, бошқарувни ўз қўлига олишида катта омил бўлади.

**Хуршид РАУПОВ.**

*Марказий Осиё ўйинлари*

# Дастлабки медаллар шодаси



Тожикистон пойтахти Душанбе шаҳрида бўлиб ўтаётган V Марказий Осиё ўйинларининг биринчи куни баҳслариданоқ спортчиларимиз шоҳсупанинг юқори поғонасидан жой олишга эришдилар. Дзюдо бўйича 100 килограмм вазн тоифасидан юқори бўлган полвонлар беллашувида Ўткир Саломовга тенг келадиган топилмади. У V Марказий Осиё ўйинларида юртимизга илк олтин медални туҳфа этди. Михаил Соколов (100 кг), Х. Набиев (81 кг), Икром Нуриллаев (90 кг)лар кумуш медалга сазовор бўлдилар.

Боксчиларимиздан уч нафари ярим финал масаласини ҳал қилишди. 60, 64 ва 91 килограмм вазн тоифаларида рингга кўтарилган Дилшод Маҳмудов, Жаҳонгир Сувонқулов ҳамда Сергей Михайловлар чорак финал беллашувларида рақибларидан устун эканликларини намойиш этишди. Спортнинг ушбу туридаги сўнгги "жанг"лар 18 октябрь куни бўлиб ўтади.



**СУРАТЛАРДА: дзю-до бўйича Марказий Осиё ўйинлари чемпиони Ў. Саломов; кумуш медаль соҳиби М. Саколов (чапда).**

**А. ИЛЯСОВ олган суратлар. «Жаҳон» АА.**

# ХАЛҚАРО ҲАЁТ

## Янгиликлар, воқеалар, далиллар

## Кема ҳалокати

**Нью-Йорк кўрфазида рўй берган солсимон кема ҳалокати натижасида камида 10 киши ҳаётдан кўз юмди, 34 киши турли даражада тан жароҳати олди. Қутқарув хизмати вакилларининг маълумотларига қараганда, кема боғланаётган пайтда ип узилиб, қирғоққа урилган.**



**Кемани бошқараётган Ричард Жефри Смит ҳалокатдан сўнг уйига қочиб кетган. Кейин у ювиниш хонасида танасига оғир жароҳат етказиб, ўзини отиб ташламоқчи бўлган. Қўшнилар қутқарувчиларни чақириб денгизчи ҳаётини сақлаб қолишди. Ричард Смит вена қон томири кесилган ҳолда касалхонага олиб келинди.**

## Хитой фазони забт этди

**Кеча Хитойнинг биринчи космик кемаси фазога парвоз қилди. "Шэнчжоу-5" кемаси 22 соатлик парвоздан сўнг Хитой жанубидаги Мўғилистон чўлларига қўнди. Мамлакат бош вазири фазогир Ян Ливэйни эсон-омон ерга қайтгани билан қутлади.**



**Ян Ливэй парвоз давомида Ерни 14 марта айланиб чиқди.**

**Хитой АҚШ ва Россиядан кейин ўз кучи билан фазо кемасини учирган учинчи давлат бўлди.**

**Хитой раҳбари Ху Цзиньтао фазогир томонидан бошқариладиган космик кемани муваффақиятли учирилишини бутун Хитой учун тарихий воқеа деб атади. Европанинг космик агентлиги ва НАСА вакиллари фазо кемаси парвозини «катта ютуқ», деб баҳолади.**

## Суд сербларнинг даъвосини кўришни бошлади

**Германия суди 1999 йилда НАТО ҳаво хужумларида талофат кўрган Сербиянинг Варварин шаҳрида яшовчи 35 нафар фуқаронинг даъвосини кўриб чиқмоқда.**



**Серблар Германия ҳукуматидан 1 миллион евро микдорида товон пули тўлашларини талаб қилишаяпти.**

**Ҳукумат вакиллари эса даъвогарлар бу ишни ютқазишини таъкидлашмоқда. Чунки Германия ҳарбийлари Варварин шаҳридаги кўприкни портлатишда қатнашмаганлар. Серблар Германияни НАТОнинг Югославияга қарши ҳарбий ҳаракатларини қўллаб-қувватлагани учун ҳам айбдор деб ҳисобламоқда.**

## Янги «рекорд»

**Испанияда ноқонуний йўл билан муҳожирлар келиши бўйича янги «рекорд» ўрнатилди. Ҳукуматнинг хорижликлар ва муҳожирлар бўйича масъул вакили Игнасио Гонсалеснинг маълумот беришича, 15 октябрь куни мамлакат чегарасини 550 та одам бузиб ўтди. Улар орасида аёллар ва ёш болалар ҳам бор.**



**Испанияда йил бошидан 15 октябргача бўлган вақт мобайнида 15 мингдан кўпроқ мамлакатга нолегал келган муҳожирлар қўлга олинган. Улар Испанияга турли кемаларда Гибралтар бўғози орқали кириб келишган.**

News.ru

## Бош вазирнинг қарори

**Буюк Британия Бош вазири Тони Блэр «маданиятсизлик маданияти» билан курашишни давлат ички сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида эълон қилди. Бош вазир замондошлари дунёқарашини жамият меъёрларига зид бўлган қарашлардан тозаламоқчи.**

**Сўнгги пайтларда мамлакатда пайдо бўлган баъзи гуруҳлар ўз ҳаракатлари билан жамиятдаги қадриятларга бўлган муносабатни ўзгартириб юбормоқда, деди у.**

Le Figaro

## Озарбойжон: САЙЛОВ ЯКУНЛАНДИ

*Чоршанба куни озарбойжонликлар ўз президентларини сайлаш учун овоз бердилар*

*Халқаро кузатувчиларнинг таъкидлашича, номзодлар сайловолди кураш жараёнларида имкониятлардан, жумладан ҳар бир номзод дастурини ёқловчи шиорлар, плакатлар ҳамда улар ҳаётини акс эттирувчи ҳужжатли фильмлардан самарали фойдалана олмаганлар.*

*Сайлов жараёнида Ҳамдўстлик давлатлари тарихида илк бор ўз ўрнини эгаллаши учун президент Ҳайдар Алиев ўғли, "Янги Озарбойжон" партиясидан номзоди қўйилган Илхом Алиевни қўллаб-қувватлади.*



Озарбойжон Республикаси Президентлигига саккиз нафар номзод даъвогарлик қилди. Аммо халқаро кузатувчиларнинг фикрича, номзодларнинг кўплари сайловда номигагина қатнашган. Жумладан, Озарбойжон Халқ Фронти партияси раҳбари Али Кремли Илҳом Алиевнинг сафдоши.

Собиқ вазир, ҳозирда давлат маслаҳатчиси Аджари Ниджат Гулиев сайловолди вазият тўғрисида газетага интервью берар экан, "Сайловда ҳеч бир янги шахс, янги дастур ёки янги ғоя пайдо бўлгани йўқ. Ҳаммаси айтилган, олдиндан келишилган гаплар ", деди.

Озарбойжон парламенти — Миллий Межлиснинг навбатдан ташқари ўтказилган сессиясида Илҳом Алиев мамлакат Бош вазири этиб тайинланганди. Бу мансабни эгаллагунга қадар, у давлат нефть компанияларида раҳбар лавозимларда ишлаб келган.

— Отам бошлаган ислоҳотларни давом эттираман. Бундан ташқари, Озарбойжон иқтисодиёти ҳақида тўлиқ тасаввурга эгаман. Ишониб топширилган мансаб менга қўшимча масъулият юклайди, — деди Илхом Алиев Бош вазир бўлиб тайинлангандан сўнг мабуот орқали чиқишида.

Мухолифатдаги "Мусават" партиясидан номзоди қўйилган Исо Гамбар, Бокунинг Тренд ахборот агентлигига берган интервьюсида Илҳом Алиев фаолиятини мамлакат Конституциясига зид, деб ҳисобламоқда. Унинг сўзларига қараганда, Илҳом Алиев бир вақтнинг ўзида депутат, президентликка номзод ва Бош вазир бўлиши Озарбойжон қонунларига тўғри келмайди.

Бундан ташқари, Илҳом Алиев хорижий нефть компаниялари билан ҳамкорлик қилиш даврида Озарбойжоннинг миллиардлаб пулини совурган, деган миш-мишлар сайловолди жараёнларда тарқалганди. Бугунги кунда Озарбойжон коррупциянинг авж олганлиги жиҳатидан дунёда кучли ўнликка кириши миш-мишларнинг қанчалик ҳақиқатга яқин эканлигини кўрсатади.

Озарбойжон етакчиларидан бири Элдор Алиев сайловда қатнашишдан воз кечди. Унинг фикрича, сайловда Илҳом Алиев ғалабаси олдиндан Озарбойжон маъмурияти билан ҳам, муҳолифатдаги партиялар билан ҳам ҳамкорлик қилишга тайёр. АҚШ сайловнинг эркин ва адолатли ўтказилиши учун 2 миллион АҚШ доллари ажратди ҳамда 150 нафар халқаро кузатувчининг сайловда иштирок этишини таъминлади.

Сайлов арафасида "Би-Би-Си" кузатувчиси Стевин Малвин, шуни айта оламанки, Илҳом Алиев ғалабасига ҳеч шубҳа йўқ, деган эди.

Ва ниҳоят чоршанба куни кечқурун Стевин Малвининг башорати тўғри бўлиб чиқди. Озарбойжон Марказий Сайлов комиссияси дастлабки натижаларни маълум қилди. Илҳом Алиев 79,66 фоиз овоз олиб, Озарбойжон президентлигини эгаллайдиган бўлди. Исо Гамбар 11,82 фоиз, Лала Шовкет Гаджиев 3,29 фоиз, Этибар Мамедов 2,77 фоиз овоз тўпладилар. Қолган 4 номзод 1 фоиз ҳам овоз тўплай олмадилар.

ЕХҲТ кузатувчилар таъминланган.

— Озарбойжонда ўтган президентлик сайлови мамлакатда демократиянинг чуқур илдиз отишида муҳим роль ўйнайди, - деди АҚШ давлат департаменти вакили Ричард Баучер. — Энг муҳими, сайлов халқаро меъёрлар даражасида ўтказилиши керак. Бунинг учун АҚШ миссияси ўз хулосаларини беришга тайёрланаётган пайтда Боку кўчаларида тўсатдан пайдо бўлган катта митингнинг гувоҳи бўлишди. Айниқса шаҳар марказида жойлашган "Мусавати" партияси ёнида кутилмаганда митинг бўлиб ўтди. Улар мамлакат парламентининг собиқ спикери Исо Гамбарни қўллаб-қувватлаб, сайлов натижалари сохталаштирилган, дея эътироз билдирмоқдалар.

— Бу сайловда мен ғалаба қозондим. Халқаро кузатувчилар фикрича, мен 60 дан 80 фоизгача овоз тўплаганман — дея интервью берди Исо Гамбар.

Сайловда кузатувчи сифатида иштирок этган нодавлат ташкилотлар вакиллари сайловни эркин ва демократик руҳда ўтди, демоқдалар. Аммо айрим халқаро кузатувчилар овоз бериш жараёнида қонун бузилишларига гувоҳ бўлганликларини таъкидлашди.

Хуллас, сайлов жараёнлари қандай ўтганлигидан қатъи назар Озарбойжон халқи ўзининг янги президентини сайлади.

**Юнус БЎРОНОВ.**

## Коррупция — инсоният душмани

Яқинда Берлинда жойлашган "Трансперенси Интернешнл" ташкилоти 13 та мустақил институтларнинг олимлари, тадқиқотчилари ўртасида сўров ўтказди. Унда дунёнинг 130 мамлакатида ҳукумат вакилларнинг коррупцияга қанчалик алоқадорлиги масаласи ўрганилди. Сўров натижаларига кўра, коррупциядан энг тоза давлат деб Финляндия эътироф этилди. Ундан кейинги ўринларни Исландия, Дания, Янги Зенландия, Сингапур ва Швеция эгаллади. Дунёдаги энг демократик давлат сифатида тан олинган АҚШ бу рўйхатда ўн саккизинчи жойни банд этди.

Давлат хизматчиларининг кўпчилиги коррупцияга алоқадор мамлакатлар рўйхатини Бангладеш, Нигерия, Гаити, Парагвай ва Мьянма бошқариб бормоқда.

"Трансперенси Интернешнл" бошқаруви раиси Питер Айген сўровлар натижаларини шарҳлар экан, бой давлатлар коррупцияга қарши курашда ривожланаётган мамлакатларга ёрдам бериши зарурлигини таъкидлади. Бундан ташқари, у ривожланган давлатлар ва халқаро компанияларни Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти томонидан қабул қилинган порахўрлик ва сотиб олишга қарши Конвенция шартларини бажаришга чақирди.



"Бу ҳужжат 1999 йилда кучга кирган бўлса-да, шу пайтгача биронта одам жавобгарликка тортилмади. Ваҳоланки, биз 2002 йилнинг 14 майида эълон қилган ҳужжатимизда Россия, Хитой, Тайван, Жанубий Корея, шунингдек, Италия, Гонконг, Малайзия, Япония, АҚШ ва Франция фирмалари томонидан порахўрлик ва сотиб олишга ҳаракатлар бўлгани тўғрисида ёзган эдик", деди у.

Коррупция фақатгина ривожланаётган давлатларда авж олган дейиш унчалик тўғри эмас. Рўйхатга эътибор берадиган бўлсангиз, кўпгина бой, демократик мамлакатларда ҳам бу иллат қарор топганига амин бўласиз.

Давлат коррупциясининг камбағал мамлакатларда "гуллаб-яшнаётгани» бор гап, — деди "Трансперенси Интернешнл"нинг Британия бўлими бошқаруви раиси Лоренс Коккрофт.— Лекин унинг Италия, Греция каби Европа давлатларида, шунингдек, нефтга бой бўлган Нигерия, Ангола, Озарбойжон, Индонезия, Қозоғистон, Ливия, Венесуэла каби мамлакатларда ҳам қулоч ёяётгани кишида ташвиш уйғотади"

Л. Коккрофтнинг фикрича, нефть экспорт қилувчи давлатлар аҳолисини мазкур давлат нефтдан қанча даромад олаётганидан мунтазам хабардор қилиб бориш зарур. Бунинг учун "Трансперенси Интернешнл" ва бошқа нодавлат ташкилотлари халқаро нефт компанияларидан ҳар йили мазкур давлатларнинг даромадлари тўғрисида маълумот бериб боришни илтимос қилмоқчи.

Шунда мамлакатлар аҳолиси ҳукуматдан пуллар қаёққа кетаётгани тўғрисида ҳисобот талаб қилиши мумкин, дейди Л. Коккрофт.

Давлат ва ҳукумат вакилларининг коррупцияга арлашуви жуда хавфли иллатдир. У охир-оқибат мамлакатда беқарорликни келтириб чиқаради. Битта мамлакатдаги беқарорлик эса бутун инсониятга, бутун дунёга ташвиш келтиради. Шунинг учун ҳам кейинги йилларда жаҳонда унга қарши кескин кураш бошланган. Ва бу кураш самарали якунланишига ҳеч шубҳа йўқ.

**Бекқул ЭГАМҚУЛОВ.**




### 444 килограмлик ошқовоқ

**Швейцариянинг Зегрэбен шаҳарчасида "Деҳқончилик санъати" деб номланган танлов бўлиб ўтди. Унда жуда кўплаб мамлакатлардан олимлар, селекционерлар, деҳқонлар иштирок этишди. Танлов ҳайъати белгиялик деҳқонни ғолиб деб топди. У етиштирган ошқовоқ тарозига тортиб кўрилганда, роппароса 444 килограмм чиқди.**

### Муҳаббат изҳорининг янгича йўли

Таиландлик 26 ёшли Бунтави Сиенвонг исмли йигит севгилисига бўлган муҳаббатини ўзига хос тарзда изҳор этишга қарор қилди. У 12 метрлик ойнаванд яшикка кирар экан, "Мен бу ишимни дунёдаги энг гўзал қиз — қайлиғимга бағишлайман", деди. Энди у салкам бир ойни шиша идишда мингоёқлар билан ўтказади.

### Пиларлар бир жойга тўпланишди

**Яқинда Мадрид паркларидан бирида қизиқ воқеа рўй берди — Пилар исмли 430 аёл бир жойга тўпланди. Улар мамлакатнинг турли бурчакларидан келишди. Пилар ўзбек тилига ўгрилганда Суянчхон маъносини беради. Ташкилотчиларнинг гапига қараганда, бу воқеа, албатта, Гиннес рекордлар китобидан жой олиши керак.**

### Энг қиммат экспонат

Парижда "Кристи" кимошди савдоси бўлиб ўтди. Унда Людовик ХУ1 (ХУ111 аср) даврига оид кресло 690 минг 250 еврога сотилди. Ёнғоқ дарахтидан ясалган, тилло суви юритилган, ўйиб расмлар чизилган бу кресло кимошди савдосидаги энг қимматбаҳо экспонат бўлди. Ўша куни кимошди савдосида ҳаммаси бўлиб 4,5 миллион евролик жиҳозлар сотилди.

### 72 йиллик мижоз

**Томми Спар Англиянинг Ғарбий Йоркшир графлигида яшайди. Айтишларига қараганда, у сўнгги 72 йил давомида деярли ҳар куни бир вақтда битта пивохонага кириб икки бокал қора пиво ва икки порция виски ичган.**

**Пивохона эгасининг ҳисоб-китобларига қараганда, қария шу йиллар давомида 52 минг бокал пиво ва яна шунча порция виски ичган.**

**Албатта, Томми Спар одатини тарк этган вақтлар ҳам бўлган. Лекин бунинг сабаби бор. У иккинчи жаҳон уруши даврида фронтга кетгани учун бир неча йил пивохонага кела олмаган.**

**Яқинда пивохона жамоаси ва қариянинг қариндошлари машҳур мижозининг 90 йиллик юбилейини нишонлашди. Туғилган кунида қарияга байрам торти ва ҳар куни бир бокалдан бепул пиво ичиш ҳуқуқини берадиган сертификат топширилди.**

### Ойдан келтирилган тош ўғирланди

Гондурасда америкалик астронавтлар ойдан олиб келган тош йўқолди. 1973 йилда АҚШнинг ўша пайтдаги президенти Никсон бу тошни Гондурас президенти Освальдо Лопес Ареьлянга совға қилган эди. Ўғрилар ушбу қимматбаҳо совғани президент қароргоҳидан уриб кетишди.

### Мўмиё сотмоқчи эди

**Қоҳира полицияси қадимги Миср тарихига (эрамиздан авалги 525-30 йиллар) оид мўмиёни сотмоқчи бўлган кишини қўлга олди. Мисрда чиқадиган "Аль—Вафд" газетасининг ёзишича, "сотувчи" Қоҳиранинг бойлар яшайдиган ҳудудида харидор қидириб юрган пайтда қўлга тушган. У моли учун харидорлардан икки миллион АҚШ доллари сўраган.**

### «Қор одам» борми?



**Дунё томи Ҳимолай тоғларида экспедиция ўтказган япон тадқиқотчиси Иоситэру Такахаси "Қор одам" мавжудлиги афсона эмаслигини таъкидламоқда. Буни у Непалдаги Дауглавир тоғидан қайтганидан кейин журналистларга берган интервьюсида баён қилди. Такасахининг айтишича, унга "қор одам"ни учратиш насиб этмабди. Лекин экспедициянинг бошқа икки аъзоси узоқ масофадан инсон танасига ўхшаш оппоқ гавдани кўришибди.**

